

2021 йИЛ 4 ОКТАБРЬ



**“КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ САЛОҲИАТИНИ
АНИҚЛАШНИНГ ИННОВАЦИОН ЭЛЕКТРОН
ТАЪМИНОТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ”
МАВЗУСИДА ОЛИЙ ЁҚУВ ЮРТЛАРАРО ИЛМИЙ-
АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ



“ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ

**“КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ САЛОҲИЯТИНИ
АНИҚЛАШНИНГ ИННОВАЦИОН ЭЛЕКТРОН
ТАЪМИНОТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ”
МАВЗУСИДА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ**

2021 йил 4 октябрь

ТОШКЕНТ-2021

“Кичик саноат зоналари салоҳиятини аниқлашнинг инновацион электрон таъминотини шакллантириш истиқболлари” мавзусида олий ўқув юртлараро илмий-амалий конференция материаллари тўплами – Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2021. – 326 б.

Илмий-амалий конференция материаллари тўпламига саноат зоналари салоҳиятини аниқлашнинг инновацион дастурий тизимини шакллантириш зарурияти, кичик саноат зоналарида инновацион ахборот тизимини такомиллаштиришнинг рақамли платформаси, кичик саноат зоналари инновацион электрон таъминотини ривожлантиришда аутсорсинг хизматлари бозорининг ролини такомиллаштириш, саноат зоналари салоҳиятини аниқлашнинг инновацион электрон таъминотини хориж тажрибалари, кичик саноат зоналарида корхоналар бозор фаолиятини такомиллаштиришда интерактив хизматларни ривожлантиришга доир ислохотларни илмий-назарий асосларини тадқиқ этишга бағишланган илмий тезис ва мақолалар киритилган.

Ушбу илмий-амалий конференция материаллари АМ-ФЗ-201908169 - “Кичик саноат зоналари салоҳиятини аниқлашнинг инновацион электрон таъминотини яратиш” мавзусидаги амалий грант доирасида нашр қилинган.

Таҳрир ҳайъати раиси:

Т.З.Тешабаев - и.ф.д., проф.

Таҳрир ҳайъати аъзолари:

С.У.Меҳмонов – и.ф.д., проф;

А.Х.Пардаев – и.ф.д., проф;

Х.С.Асатуллаев – и.ф.н., проф;

Д.Ш.Бабабекова - и.ф.н., доц;

Б.О.Турсунов – кат.ўқ.

Тақризчилар:

И.С.Хотамов – и.ф.н., доцент.

Ж.Я.Нуриллаев – и.ф.н., доцент.

Мазкур тўпламга киритилган материалларнинг мазмуни, ундаги статистик маълумотлар ва меъёрий ҳужжатлар санасининг тўғрилигига ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

хизмат кўрсатиш каби соҳалар иқтисодиётнинг асосий соҳаларига айланиб боради. Мисол учун, ишлаб чиқариш таркибидаги силжишлар ва техника - технологияларнинг янгилашиши, аввал олинган билим ва эгалланган кўникмаларнинг эндиликда кераксиз бўлиб қолиши шароитида ходимнинг касбий даражаси ва малакасини оширишга қаратилган иккиламчи таълим тизими тараққий этган мамлакатларда иқтисодиётнинг йирик сектори сифатида шиддат билан ривожланмоқда.²⁰

Бугунги кунда иқтисодий тизимнинг индустриаллашишгача бўлган типи ўз таркибига: қишлоқ ва сув хўжалиги, ўрмон хўжалиги, тоғ-кон иши, балиқчилик каби тармоқларни олувчи бирламчи сектор иқтисодиётнинг асосий соҳаси бўлган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари учун хосдир. Ғарбий Европа мамлакатлари, Япония ва бошқа ривожланган мамлакатларда устун мавқега эга бўлган индустриал жамиятда иккиламчи сектор, яъни қайта ишлаш саноати иқтисодиётнинг муҳим соҳаси ҳисобланади. Айни пайтда АҚШ, Япония, Буюк Британия, Голландия ва бошқа шу каби тараққий этган мамлакатлар аҳолисининг айрим қисмлари учун хос бўлган постиндустриал жамият хизматлар соҳасининг ривожланишига асосланган.

ҲУДУДЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИ: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

*и.ф.н., доц. Хамидова Фаридaxon Абдулкарим қизи
Тошкент молия институти - докторант*

“Иқтисодий хавфсизлик” тушунчасининг кўплаб таърифлари мавжуд, аммо уларда умумийлик бор: иқтисодий маънода, иқтисодий хавфсизлик деганда иқтисодиётнинг муносиб яшаш шароитлари ва шахсий ривожланишни таъминлаш қобилияти, ижтимоий – жамият ва давлатнинг иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий барқарорлиги, ички ва ташқи таҳдидларнинг таъсирига қарши туриш қобилияти.

Илмий адабиётларда “минтақанинг иқтисодий хавфсизлиги” тушунчасига бир нечта таърифлар мавжуд. Қуйидаги таърифлар энг кўп қўлланади:

Минтақанинг иқтисодий хавфсизлиги – иқтисодиётнинг ҳозирги ҳолати, барқарорлиги ривожланишининг прогрессивлигини тавсифловчи шарт-шароит ва омилларнинг йиғиндиси.

Минтақанинг иқтисодий хавфсизлиги минтақа иқтисодиётини барқарор, доимий равишда ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи бўлиб, у ички ва ташқи таҳдидларга қарши кураш механизмини назарда тутди.

²⁰ Демидова Л. Сфера услуг: изменение динамики производительности // МЭ и МО. 2006. №12. С. 41.

В.К.Сенчагов минтақанинг иқтисодий хавфсизлигини “... у шундай ҳолатки, бунда минтақа аҳолиси фаровонлигини ошириш учун ижтимоий-иқтисодий ва молиявий салоҳиятини сақлаб қолишга ички ва ташқи таҳдидлар етарли даражадан паст ҳолатда бартараф этилади, минималлаштирилади ёки йўқ қилинади”. Шу билан бирга, муаллиф минтақа аҳолиси фаровонлиги ошишини ижтимоий зиддиятлар, бузғунчи мақсадлар мавжуд эмаслиги (ёки кучсиз намоён бўлиши) учун асос ва Федерация бирлигини таъминлаш сифатида таърифлайди.

“Минтақанинг иқтисодий хавфсизлиги” тушунчасининг қўлланилган таърифлари кўпинча “давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги” тушунчасидан фақат давлат сўзини минтақа билан алмаштириш ёрдамида фарқ қилади. Шунга қарамай, англаш керакки, минтақанинг иқтисодий хавфсизлик объектлари минтақа ҳудуди ва унинг иқтисодиёти билан боғлиқ барча нарсалар бўлса, давлатнинг иқтисодий хавфсизлик объекти эса мамлакатнинг бутун ҳудуди ҳисобланади. Бундан ташқари, давлат даражасидаги иқтисодий хавфсизликнинг вазифаларидан бири минтақавий иқтисодий манфаатлар ҳимоя қилинишини таъминлашдир.

Таъкидлаш жоизки, “иқтисодий хавфсизлик” тушунчаси “миллий хавфсизлик” тушунчасининг ажралмас қисми бўлиб, у ҳарбий, экологик, ахборот, энергетика, маданий, илмий ва техник хавфсизликдан иборат. Шунга қарамай, иқтисодий хавфсизликнинг устувор аҳамияти тан олинishi керак, чунки қолган турларини иқтисодий кўмаксиз тўлиқ амалга оширишнинг иложи йўқ. Масалан, минтақа ёки мамлакатнинг экологик хавфсизлиги бевосита зарарли тармоқларнинг атроф-муҳитга таъсирини бартараф этиш ёки минималлаштириш имконини берувчи технологияларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга боғлиқ бўлиб, бундай ривожланишларни молиялаштириш имконияти бевосита иқтисодиётнинг ҳолатига боғлиқ.

Албатта, минтақавий даражада иқтисодий хавфсизликни ташкил этишнинг хорижий тажрибаси маълум қизиқиш уйғотади. Хориж тажрибасини таҳлил қилиш кўрсатадики, минтақаларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш минтақавий дастурларни ишлаб чиқиш асосида ҳукумат томонидан махсус минтақавий сиёсат ёрдамида амалга оширилади. 1-жадвалда минтақавий иқтисодий хавфсизлик сиёсатининг хорижий тажрибаси ўрганилган.

Минтақавий иқтисодий хавфсизлик сиёсатининг хориж тажрибаси

АҚШ	Европа Иттифоқи мамлакатлари
АҚШ минтақаларида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш давлатнинг муҳим вазифасидир. Минтақавий муаммоларни ҳал қилиш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантириш учун федерал ҳукумат ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб махсус минтақавий сиёсатдан фойдаланмоқда. Минтақавий сиёсатни амалга ошириш учун турли минтақавий дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Ҳозирги вақтда минтақавий сиёсатнинг 4 йўналиши мавжуд: 1. Минтақалараро фарқларни камайитириш. 2. Худудларни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришнинг истиқболли тармоқ дастурларини шакллантириш. 3. Блокли грантлар (субсидиялар) орқали давлатларни молиявий қўллаб-қувватлаш. 4. Интеграция тенденцияларининг ривожланишини рағбатлантириш. Таъкидлаш жоизки, иккинчи йўналиш – минтақаларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг истиқболли тармоқ дастурларини шакллантириш нафақат АҚШда, балки бутун дунёда кенг тарқалди.	Европа Иттифоқи мамлакатлари томонидан олиб бориладиган минтақавий сиёсатнинг асосий вазифаси жамиятнинг барча аъзоларининг тенг ривожланишидир. Бироқ, Европа Иттифоқи муаммоли минтақаларга ёрдам беришга қаратилган фаол минтақавий сиёсат олиб бормоқда. Муаммоли минтақаларга ёрдам беришнинг асосий мақсадлари Европа Комиссияси томонидан Европа Иттифоқида аъзо давлатларнинг умумий келишуви билан белгиланди: 1-мақсад – қолоқ минтақаларни қайта қуриш ва ривожлантиришга қўмаклашиш. Аҳоли жон бошига ЯИМ ишлаб чиқариш Европа Иттифоқининг ўртача ЯИМнинг 75 фоизидан камроғини ташкил этувчи худудлар қолоқ минтақалардир. 2-мақсад депрессияга учраган минтақалар, ишсизлик даражаси юқори ва саноат ривожланиш даражаси пасайиб кетган минтақалар, заиф қишлоқ туманлари ва фаровонлиги балиқ овлашга боғлиқ худудларни ривожлантиришга қўмаклашишдир. 3-мақсад – таълим тизимларини мослаштириш ва модернизация қилиш, касб-хунарга ўқитиш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, иш билан таъминлаш сиёсати (инсон ресурсларини ривожлантириш). Европа Иттифоқи мамлакатларининг минтақавий сиёсати муаммоли минтақаларни кўп йиллик ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қаратилган. Дастурларнинг мазмуни эришилган натижаларга кўра доимий равишда ўзгариши мумкин.

Тарихий жиҳатдан АҚШнинг давлат тузуми шундай ривожланганки, штатлар ўз худудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тартибга солиш учун етарли кучга эга бўлади. Биринчидан, АҚШ конституциясида давлат ҳукуматининг ваколатлари белгиланмаган, шунинг учун штатлар федерал тузум ваколатига кирмайдиган ижтимоий тузумнинг барча соҳаларида юқори кучга эга, иккинчидан, ҳар бир штат ўз конституциясига эга, асосий тамойиллар АҚШ конституциясида белгиланган принциплар билан бир хилдир.

Фискал сиёсат соҳасида муҳим ҳуқуқларга эгалик қилиш – давлат ҳокимияти органлари томонидан эса бюджет мустақил равишда тузилади, тасдиқланади ва ижро этилади, федерал солиқ қонунчилигига зид бўлмаган кўплаб солиқ турлари жорий этилиши ва бекор қилиниши

мумкин – минтақавий ҳокимият органларига ўз ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатига кенг миқёсда таъсир кўрсатиш имконини беради. АҚШ солиқ тизими учта даражадан иборат: юқори – солиққа тортиш мамлакат бўйлаб федерал солиқ маъмурияти томонидан, ўрта – солиққа тортиш давлат солиқ органлари томонидан, қуйи – солиққа тортиш маҳаллий ҳокимият органлари томонидан амалга оширилади.

Барча даражадаги солиқ органлари мустақил равишда ишлаши, яъни бир-бирига бўйсунмаслигига қарамай, федерал солиқ идораси штат солиқ органларига нисбатан анча самарали ишлайди. Бунинг сабаби, федерал даражадаги солиқларнинг катта қисми автоматик равишда иш ҳақидан ушлаб қолинади.

Давлат фискал сиёсати умумий ва махсус савдо солиқларига эътибор қаратади, улар биргаликда барча солиқ тушумларининг 50 %дан ортиғини ташкил этади. Таъкидлаш жоизки, умумий савдо солиғи товар ва хизматлар айланишининг ҳар бир босқичида сотишдан тушган ялпи тушумдан ундирилади, умумий солиқ ставкаларининг ўзи эса штатлар бўйича 3 дан 8 %гача ўзгариб туради. Штатларда умумий савдо солиғидан ташқари, махсус солиқлар ва акциз солиғи олинади. Уларнинг асосий қисмини бензин, суғурта хизматлари, коммунал хизматлар ва тамаки маҳсулотлари ташкил қилади.

Фискал сиёсат соҳасидаги давлатларнинг кенг қўламли имкониятлари минтақавий ҳокимият органларига бу воситадан иқтисодий ўсишни рағбатлантириш учун фаол фойдаланиш имконини беради. Масалан, минтақавий бозорларга янги компанияларни жалб этиш учун штат ҳукуматлари штатда биринчи марта рўйхатдан ўтган фирмалар учун мол-мулк солиғи бўйича имтиёзлар тақдим этади, шунингдек, агар улар ўз маблағларини штат ичида инвестиция қилса, уларга даромад солиғи бўйича имтиёзлар берилади. Штатларнинг солиқ сиёсатидаги бундай эркинлиги уларга иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадида мазкур воситадан фаол фойдаланиш имконини беради.

Бироқ федерал ҳукумат вақти-вақти билан штатларнинг иқтисодий ривожланишига аралашушга мажбур бўлади. XX аср ўрталарига қадар бундай аралашувлар даврий кўринишга эга эди. 1960-йиллардан бошлаб, минтақавий сиёсат федерал ҳукумат ҳаракатларида ҳам, айрим штатлар сиёсатида ҳам мавжуд бўлиб, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва иқтисодий хавфсизлигини давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим вазифасига айланди.

Минтақавий сиёсатни давлат томонидан тартибга солишга ўтиш, биринчи навбатда, ҳокимиятнинг минтақавий қарама-қаршиликларни бартараф этиш истаги билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, иқтисодий ўсишни фаол равишда рағбатлантириш имконини яратди. Ҳудудий муаммоларни ҳал қилмай, ҳукумат томонидан эълон қилинган миллий мақсадларга эришиш мумкин эмаслиги тўлиқ бандлик, даромадларни адолатли

тақсимлаш, барқарор иқтисодий ўсиш расмий равишда эътироф этилди.

Минтақавий сиёсат XX асрнинг 60-70-йилларида қабул қилинган қатор қонунларга асосланади:

депрессияга учраган ҳудудларга ёрдам беришнинг асосий йўналишларини белгилаб берган “Жамоат ишлари ва иқтисодий ривожланиш тўғрисида” ги қонун (1965);

“Ҳукуматлараро ҳамкорлик тўғрисида”ги қонун (1968 йил), унга мувофиқ АҚШ Президенти маълум бир минтақанинг иқтисодий ривожланишига таъсир кўрсатувчи федерал дастур ва лойиҳаларни шакллантириш, ўрганиш ва баҳолашни тартибга солувчи қоидаларни белгилаш ҳукуқига эга. Шу билан бирга, Президент Р. Никсон томонидан Иқтисодий сиёсат кенгаши тузилади;

“Қишлоқни ривожлантириш тўғрисида”ги қонун (1972);

“Уй-жой қурилиши ва шаҳарсозлик тўғрисида”ги қонун (1974);

“Минтақаларни ривожлантириш тўғрисида”ги қонун (1975).

Тарихий жиҳатдан АҚШда федерал минтақавий дастурларни амалга оширишнинг ташкилий масалаларини ҳал қилишда учта ёндашув ишлаб чиқилди улар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Федерал минтақавий дастурларни амалга оширишда ташкилий масалаларни ҳал қилиш ёндашувлари

Ҳукуматнинг тўлиқ ёндашуви	Муаммоларни ҳал қилиш федерал қонунчилик ва ижро этувчи ҳокимият органлари даражасида кўриб чиқилади. Федерал бюджетдан дастурларнинг бошланиши билан боғлиқ қўшимча маблағларни ажратиш АҚШ Конгресси томонидан тасдиқланиши керак, унга муайян дастурлар бўйича бирмунча муҳим қарорлар қабул қилиш ҳукуқи берилган.
Штатларни бошқариш ёндашуви	Минтақавий дастурларни бошқариш федерал ҳукумат тизимидаги мустақил махсус идоралар (муассасалар) ва махсус яратилган федерал давлат органлари тизими томонидан амалга оширилади. Минтақавий сиёсатнинг дастурий тадбирларини амалга ошириш учун масъул органлар таркибига сув ресурслари бўйича кенгаш, Федерал маслаҳат кенгаши бўлимлари ва минтақавий режалаштириш комиссиялари киради.
Маҳаллий ёндашув	Ўзига хос хусусияти шундаки, алоҳида ҳудудларни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича федерал дастурларни амалга ошириш маҳаллий ҳокимият органларининг фаол иштироки билан амалга оширилади. Лойиҳаларни ишлаб чиқиш минтақавий органлар томонидан амалга оширилади, ва амалга оширилаётган дастурларни назорат қилиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш идоравий федерал даражада амалга оширилади.

АҚШда мақсадли муносабат асосида минтақавий сиёсатнинг тўртта йўналиши амалга оширилмоқда:

Минтақавий ривожланишдаги фарқларни камайтириш учун федерал ҳукумат томонидан вақти-вақти билан махсус дастурлар ишлаб чиқилади ва фойдаланилади (масалан, Теннесси ва Аппалачи дастурлари).

Ушбу дастурларнинг асосий хусусияти - кўп давлатли минтақавий комиссиялар фаолиятини ташкил этиш орқали минтақавий муаммоларни ҳал қилишда комплекс ёндашувдан фойдаланиш.

КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ҚўЛЛАБ- ҚУВАТЛАШ ЙўНАЛИШЛАРИ

Хаджаев Х.С ТМИ, доц.в.б

Пандемия шароитида мамлакат иқтисодий ривожланишида юқори технологияларга асосланган саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташқи савдони ривожлантиришда маҳаллий маҳсулотларни ташқи бозорларга олиб чиқиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш муҳим ҳисобланади.

Мазкур иқтисодий вазифаларни бажаришда кичик саноат зоналари фаолияти алоҳида ўрин тутди. Барчага маълумки, кичик саноат зоналари зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли ташкилотларнинг ва давлат мулки бўлиб фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларида ва биноларда ташкил этилади ва бунда мазкур жойларда маълум даражада ишлаб чиқариш инфратузилмаси, яъни сув, газ, электроэнергия таъминоти ва автомобиль йўллари мавжудлиги инobatга олинади. Бу ўз навбатида тадбиркорларнинг ўз ишларини йўлга қўйиш учун кетадиган бошланғич харажатларини кескин камайтиришга олиб келади ва бизнесни бошлашни тезлаштиради.

Шу ўринда кичик саноат зоналари ва уларга бериладиган имтиёзлар ўзига хос аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасида кичик саноат зоналар учун ажратиладиган майдонлар тадбиркорлик субъектларига минимал ставка билан қўшимча коэффицентларсиз узоқ муддатга ижарага берилади, тадбиркорлик субъектларини жойлаштириш танлов асосида амалга оширилади. Бундай ёндашув кичик саноат зоналарга рақобатбардош ва экспортбop маҳсулот ишлаб чиқарувчи, яъни замонавий техника ва технологияларга асосланган ишлаб чиқришни йўлга қўювчи тадбиркорларни жалб қилишга шарoит яратади. Бу кичик саноат зоналарнинг рақобатбарoшлигини оширади.

Шу сабабдан ҳам бу масалалар хар доим Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг диққат-эътиборида бўлади. 2021 йилда ҳам махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарида тадбиркорларнинг тўлиқ ва узлуксиз фаолият олиб боришини таъминлаш, улар учун зарур муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини яратиш, хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш 2021-2022 йилларда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга туртки берадиган лойиҳалар ҳамда тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар иштирокидаги

МУНДАРИЖА		
	1- ШУЪБА. ЎЗБЕКИСТОНДА САНОАТ ЗОНАЛАРИ САЛОҲИЯТИНИ АНИҚЛАШНИНГ ИННОВАЦИОН ДАСТУРИЙ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЗАРУРИЯТИ	
1.	<i>T.Z.Teshabaev, Yu.Amanullaeva.</i> MACROECONOMIC PROBLEMS OF SMALL INDUSTRIAL ZONE DEVELOPMENT.....	3
2.	<i>Э.Р.Закирова.</i> АНАЛИТИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ И РЫНОЧНЫХ ИНСТРУМЕНТОВ ОХРАНЫ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ, ВКЛЮЧАЮЩИХ ПЛАТУ ЗА НЕГАТИВНОЕ ВОЗДЕЙСТВИЕ.....	5
3.	<i>О.Т.Астанакулов.</i> СВОБОДНАЯ ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ЗОНА КАК ФАКТОР ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ.....	16
4.	<i>Х.С.Асатуллаев.</i> КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЖТИМОЙ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ.....	19
5.	<i>Д.Бабабекова.</i> КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ.....	22
6.	<i>Ф.М.Хамраев.</i> ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ.....	26
7.	<i>А.А.Абдурасулов, Ш.Ў.Ўринбоев, А.А.Актамов.</i> РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР САНОАТИДАГИ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАВИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	29
8.	<i>Ф.А.Хамидова.</i> ХУДУДЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИ: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА.....	32
9.	<i>Х.С.Хаджаев.</i> КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВАТЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	37
10.	<i>Н.Ш.Мирзаахмедов, Ш.А.Бегматова.</i> ИННОВАЦИОН САНОАТЛАШТИРИШ СИЁСАТИ ОРҚАЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИНИ КАМАЙТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	40
11.	<i>Б.О.Турсунов.</i> ИННОВАЦИОН ОМИЛЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ТИЗИМИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ ЎРНИ.....	45
12.	<i>Л.Х.Кадиров.</i> ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТГА	48

**“КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ САЛОҲИЯТИНИ
АНИҚЛАШНИНГ ИННОВАЦИОН ЭЛЕКТРОН
ТАЪМИНОТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ”
МАВЗУСИДА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ**

Муҳаррир Ш.Базарова

Бадий муҳаррир К.Бойхўжаев

Компьютерда саҳифаловчи З.Улуғбекова

Нашр лист. А1¹ 305. Босишга рухсат этилди 02.10.2021.

Қоғоз бичими 60x84 ¹/₁₆. Шартли босма табағи 20,5.

Ҳисоб-нашр табағи 21 Адади 100.

46-буюртма.

«IQTISOD-MOLIYA» нашриётида тайёрланди.

100000, Тошкент, Амир Темур кўчаси, 60^а.

«HUMOIYUNBEK-ISTIQLOL MO‘JIZASI»

босмаҳонасида чоп этилди.

100000, Тошкент, Амир Темур кўчаси, 60^а.